

**Ўзбекистон Республикаси Согликни Саклаш вазирлиги.
Олий ва урта Тиббий таълим буйича укув-услуг идораси
Тошкент Давлвт Стоматология Институти**

**Тишлар реставрацияси. Галоген лампа турлари, қўлланилиши.
Кариес ковакларини синфларига оид реставрация қилиш.**

Терапевтик стоматология пропедевтикаси фанидан 2-курс III-
семестр талабалари учун.
3- маъруза матни.

Маърузани тайёрлаган: профессор Х.П.Комилов
www.тдси.uz

Тошкент 2008

Мавзу: Тишлар реставрацияси, галоген лампа турлари, кулланилиши.
Кариес ковагини синфлар буйича реставрацияси.

Маъруза максади:

Тишлар реставрацияси ва галоген лампа турларини ёритиш. Турли синфдаги кариес ковакларини реставрация қилишни ургатиш.

Маъруза вазифалари:

- галоген лампа турлари
- галоген лампани кулланилиши
- тишларни реставрация қилиш қоидалари
- композит пломба ашёсини рангини танлаш усули
- кариес ковагини реставрацияга таёрлаш.
- биринчи синф кариес ковагини реставрация қилиш.
- иккинчи синф кариес ковагини реставрация қилиш.
- учинчи синф кариес ковагини реставрация қилиш.
- туртинчи синф кариес ковагини реставрация қилиш.
- бешинчи синф кариес ковагини реставрация қилиш.

Маъруза режаси:

Биринчи соат:

- 1.Тишлар реставрациясини ёритиш
2. Галоген лампа турлари ва уларнинг кулланилиши

Иккинчи соат:

- 3.Кариес ковагини синфлар буйича реставрация қилиш

1. Тишлар реставрацияси. Галоген лампа турлари.

Тишларнинг кайта тиклаш усули (реставрация) барча тишларда, барча синфдаги кариес ковакларда тишни эстетикаси бузилган ҳолларда кулланилади.

Реставрация нур билан котувчи композит пломба ашёси билан ва махсус полимеризацион лампалар (фотополимеризатор) ёрдамида амалга оширилади. Ушбу лампа таркибидаги нур маълум ультрабинафша нурларини саклайди. Шунинг учун шифокор махсус химояловчи кузойнак такиши лозим, чунки ультрабинафша нурлари конъюнктивит, тур парда атрофияси ва куйишини келтириб чиқариши мумкин.

Галоген лампа (фотополимеризатор) нинг купгина қисми иссиқлик сифатида тарқалиб кетади, фойдали энергия қисми атиги 0.7 % ташкил қилади. Салбий тарафларидан бири - куп миқдорда иссиқлик ажратиб чиқаради ва тишининг каттик туқималарини қизишига олиб келади. Буни натижасида эмалда ёрилишлар пайдо бўлади.

Фотополимеризаторнинг лампочкаси ва светофилтрнинг хизмат вақти чегараланган бўлиб уларни ҳафтасига бир маротаба текшириб туриш лозим, нурланиш интенсивлиги пасайганлиги аниқланганда лампочкани алмаштириш керак. Композит ашёсини тулик полимеризацияси учун нур қучланиши $300 \text{ м-в} / \text{см}^2$ бўлиши керак, композит ашёсининг қалинлиги 2 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Хозирда турли туман лампалар мавжуд бўлиб, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида янги технологиялар, илмий изланишлар инобатга олинган:

1. Юмшок стартли лампалар
2. Пульсацияловчи лампалар
3. Плазмали лампалар
4. Диод нурли лампалар
5. Фаоллаштирилган лампалар

Фотополимернинг нур дастаси билан эҳтиёткорлик билан ишлаш лозим. Дастани пломба ашёсига жуда яқин олиб келмаслик керак, масофаси 6 см дан куп бўлмаслиги керак, чунки пломба ашёси унда қотиб қолиб композитни полимеризациясини бузади. Лампочкани қуввати 35-75 Вт, тулқин узунлиги 420-500 нм бўлиши лозим Қулай ишлаш учун лампада товушли сигнал чиқарувчи таймери бўлади. Уртача лампа 3500 иш цикли (ҳар цикли 20 сек) га мулжалланган.

Замонавий фотополимерлар нур интенсивлиги дозиметри ва радиометрлар билан чиқарилади. Галоген лампа интенсивлигига қараб композитни қотиши учун зарур бўлган вақт белгиланади: Интенсивлик қанчалик кам бўлса пломба қотиш вақти узунлашади.

Стоматологияда куйидаги фотополимеризаторлар кулланилади: «Max», «Optilux», «Spectrum», «Demetron», «Avroga» ва бошқалар.

Тишларнинг реставрациясини бажариш мақсадида битта беморга камида 1-2 соат сарифланади, айрим пайт ундан купрок вақт талаб қилинади.

2. Ишлаш шароитлари.

Тишларни реставрация қилиш жараёни узок вақт давом этиши мумкин, шунинг учун бемор қулай ҳолда креслога жойланиши лозим. Реставрацияни бажаришда шифокор ёрдамчи билан ишлаши лозим. Яна бир муҳим омил бўлиб бормашинанинг сулак сурувчи ва сув айланиш мосламаси ҳисобланади. Мойли комперессордан фойдаланишда мой беморнинг нафас йулларига кириши ва тиш юзасида тупланиб, фотополимерни сифатига салбий таъсир қурсатиши мумкин. Реставрация қилиш ҳонасининг ҳарорати 21-24 °C бўлиши шарт, чунки бундан совуқ ҳароратда композитни пластик хусусияти йуқолади, юқори ҳароратда эса композит юмшайди, асбобларга ёпишади. Кариес ковакка ишлов беришда водород пероксиди, спирт ва эфир кулланилмайди. Кариес ковак фақат сув билан ювилиб, ҳаво оқими билан қуриштилади.

3. Тишларнинг композит ашёси билан реставрация қилиш босқичлари

Реставрацияни куйидаги босқичлари фарқланади:

- А) беморни реставрацияга тайёрлаш
- Б) тишни реставрацияга тайёрлаш
- В) пломба ашёсини рангини танлаш
- Г) реставрация қилиш

А) Беморни реставрацияга тайёрлаш босқичи

Биринчи катновда беморнинг шахсий гигиена қуникмаларини тугри бажаришига аҳамият берилади. Реставрациядан аввал тиш юзасидан тиш қараш ва тошлари тозаланади. Шу мақсадда махсус аппарат хэндбластер кулланилади, абразив қуқун сифатида алюминий оксид заррачалари кулланилади..

Милк киргоқларини қуриқдан утқизиш лозим. Агар кариес ковак II синф ва V синф бўйича бўлса реставрация жараёнига қонаб турган милк киргоғи ҳалакит беради. Бу

холда бемор тишларидан тиш караш ва тошлари тозаланиб, тиш ювиш коидалари ургатилади ва 7-10 кундан сунг реставрацияни утказиш мумкин. Пародонтал чунтак мавжудлигида кюретаж утказилиб 2-3 хафтадан сунг тишни реставрацияси бажарилади. Агар кариес ковакка милк сургичи усиб кирган булса, сургични коагуляция килиб 5-7 кундан сунг тишни реставрация килиш мумкин.

Беморни реставрацияга тайерлаш жараенида унинг рухий холати мухим хисобланади. Беморга бажаралидиган иш хакида шифокор сузлаб беради, чунки у кутаятган натижалар хакида тасаввурга эга булиши керак.

Б) Тишни реставрацияга тайёрлаш боскичи.

Ушбу боскич бир неча муолажалардан иборат:

1. Узгарган тукималарни олиб ташлаш
2. Эмал киргокларига шакл бериш
3. Тиш юзасидан тиш карашини тозалаш
4. Эмал призмаларини очиш
5. Тишни сулакдан ажратиш, куриштиш
6. Даволовчи, ажратувчи таглик куйиш, реставрация

асосини яратиш, кислотали ишлов бериш, праймер ва адгезивни куллаш.

Ранги узгарган тукималар албатта олинити шарт, чунки тук рангли дог реставрация тагидан куринади ва бажарилган ишни сифатини бузади. Айниқса 3-4-5 синф кариес ковагида пигментланган дентин катталашиб, чукурлашитиш мумкин ва реставрация тагидан куринади.

Эмал киргокларида 45 с фальц хосил килинади. 1 ва 2 синфдаги кариес ковакни пломбалашда фальц хосил килинити шарт эмас. Фальц олмозли бор билан яратилади ва ундан сунг тишларнинг юзалари органик махсулотлар (пелликула, тиш пиллакчаси, юмшок тиш караш ва))дан тозаланати. Тиш юзасини тозалаш мақсадида махсус абразивли дисклар, олмоз бошчалари, абразив штрипслар, ва пасталардан фойдаланилади.

Эмал призмаларини очишда эмалнинг юкори ингичка структурасиз кавати олинади. Реставрация килинадиган тиш пахта болишлари ёки кофердам ёрдамида сулакдан ажратилади.

Даволовчи таглик курсатмага биноан куйилади. Унинг устидан шишаиономер цемент ажратувчи таглик сифатида куйилади.

Реставрация асоси иономер цемент ёки компомердан яратилади, катта бушликларда анкерли штифтлар куйилади, кейин реставрация асоси хосил килинади.

Тиш эмалига кислотали ишлов беришда композит пломба ашёсини инструкциясига риоя қилиш керак. Кислота эмалга купрок вақт таъсир қилганда адгезия сифатсиз бўлади. Кондиционер (кислота) нинг экспозицияси уртача 30-45 сек давом этади. Кислотанинг ювиш вақти 20 сек дан кам бўлмаслиги керак. Дентинни кислотали ишлови ҳам бир вақтда олиб борилади.

Праймер тоза кисточка ёки аппликатор ёрдамида ковакка (дентинга) суртилади, 30 сек дан сунг хаво билан бироз қуритилади.

Адгезив аппликатор ёки кисточка билан ковак деворига суртилади ва хаво билан бироз қуритилади. Агар адгезив нур билан қутувчи пломбаники бўлса лампа билан 10 сек мобайнида нурланади, кимёвий пломбаники бўлса (2 компонентли), қуритилмайди.

В) Пломба ашёсини рангини танлаш босқичи.

Пломба ашёсини тугри танлаш мақсадида тишни тож қисми шартли равишга ўрта қисмга бўлинади: бўйин қисми, тана қисми, кесув қирраси (чайнов ёки окклюзион юзаси). Ўнг катта қисми бўлиб тана қисми ҳисобланади. Тишни ранги айни шу тана қисмининг ранги билан аниқланади. Бўйин қисми бироз тўқроқ, кесув қирраси эса очроқ рангда бўлади.

Тишларни тож қисмларининг ранглар схемаси:

а) фронтал тиш, б) чайнов тиш

1-тишни бўйин қисми

2-тана қисми

3-кесув қирра (чайнов юза) си

Пломба ашёсини тишни рангига мос равишда тугри танлаш учун махсус стандарт «VITA» шкаладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тиш бироз намланган бўлиши керак, чунки қуриб қетган эмални ранги бошқача бўлади ва ранг танлашда хатоликка йўл қуйиш мумкин. Тишнинг каттик туқималари нур ютиш хусусиятлари турлича бўлади. Дентин атиги 40 -50 % нурни ютади. Эмални чуқур қавати тиник бўлиб факат

30-40% нурни утказди. Кесув киррадаги эмал 70-75% нурни утказди ва факат 25-30% ютади.

«VITA» шкаласида турта категорияли ранглари мавжуд:

- кизгиш-жигарранг
- кизгиш-саргиш
- кулранг
- кизгиш-кулранг

Тишни ранги шартли равишта 3 та кисмдан иборат булиб, улар биров бир бирдан фарк килади.

Ушбу 3 та кисмдаги эмални калинлиги хар-хил булади. Тишни буйин кismi кизгиш ёки саргиш рангда булади. Тишнинг тана (тож) кismi купинча саргиш ёки кулранг булади. Кесувчи кирраси оч кулранг рангда булиши мумкин.

Г) Тишнинг реставрация килиш боскичи.

Бу боскичда куйдаги муолажалар бажарилади:

- матрица куйиш
- композит пломба ашёсини каватма кават куйиш
- нурлантириш
- реставрация юзасини шакиллантириш
- коронка коррекцияси
- якуний ишлов бериш, пардозлаш
- якуний нурлантириш.

Кариес ковакларини чархлаш боскичлари:

- 1- кариес ковакни очиш
- 2- кариес ковакни кенгайтириш
- 3- некрэктомия килиш (чириган тукималарни соғ тукимагача олиш)
- 4- эмаль киргогида 45 с фальц хосил килиш
- 5- ювиш

- 6- сулақдан ажратиш
- 7- адгезив (бондинг) тизимини куллаш
- 8- пломба ашёсини каватма кават ковакка киритиш, валампа билан нурлантириш
- 9- якуний пардозлаш усулини утказиш.

4. I- синф кариес кавакни пломбалаш.

а) кимёвий котувчи композит ашёси билан биринчи синф кариес ковакни пломбалаш.

А - ажратувчи таглик куйиш
(пишаиномер цемент)


Б - композит ашёни кариес
ковакка киритиш

В - якуний ишловдан сунги
пломбани куриниши


а) нур билан котувчи пломба ашёси билан I синф кариес ковагини пломбалаш:

- 1.Огриксизлантириш
- 2.Тиш тукималарини чархлаш, шакиллантириш
- 3.Даволовчи ва ажратувчи таглик куйиш (курсатмага биноан)
- 4.Кондиционер куйиш, кислотани ювиш, бироз куритиш.
- 5.Сулақдан ажратиш
- 6.Праймер куллаш
- 7.Адгезив куллаш
- 8.Каватма-кават композитни куйиш ва нурлаш
- 9.Пломбани коррекция килиш, якуний ишлов бериш, пардозлаш
- 10.Якуний нурлаш

Композит ашёни кариес ковакка каватма-кават киргазиш схемаси:



Послойное внесение композиционного материала в кариозную полость



Световая полимеризация слоев композиционного материала:
a — фиксация формы композиционного материала направленной полимеризацией; *б* — окончательная полимеризация порции композита

Якуний ишловдан сунг

Композитни нур билан котириш :

А) девор томондан нурлаш

Б) Ушбу композит порциясини якуний нурлаш.

Реставрацияни сифатли булиши учун :

- Композитни калинлиги 2-3 мм дан ошмаслиги керак.
- Хар бир кават деворга якин (вертикал) жойланиши керак.
- Нурланиш композитни бирламчи ёпишган томонидан олиб борилади, композитни киришиши шу нурланиш томонидан кузатилади.

5. II синф кариес ковакни пломбалаш боскичлари:

- 1.Огриксизлантириш
- 2.Тиш тукималарини чархлаш
- 3.Милкни коррекция килиш
- 4.Матрица ёки пона куйиш
- 5.Сепарация килиш
- 6.Даволовчи ва ажратувчи таглик куйиш (курсатмага биноан)
- 7.Кислотали ишлов бериш, ювиш, куритиш
- 8.Сулакдан ажратиш
- 9.Праймер куллаш
- 10.Адгезив суртиш
- 11.Милк олди эмалини тиклаш (цемент билан)
- 12.Композитни каватма - кават куйиш
- 13.Нурлантириш
- 14 Матрица ва понани олиш
- 15.Текшириш (контакт нуктани, пломба холатини)
- 16.Окклюзия коррекцияси, якуний пардозлаш
- 17.Якуний нурлаш

II синф кариес ковакка кимёвий котувчи пломба ашёсини 1-2 порция билан кариес ковакка киргазиш лозим.

Нур билан котувчи пломба ашёсини кийшик каватлар куринишида кариес ковакка куйилади ва нурлашни тишни ён деворидан олиб бориш керак.





Схема послойного внесения композиционного материала в кариозную полость: а, б, в — II класса; г — III класса; д, е — IV класса. 1 — опак-оттенок композита; 2 — эмалевый оттенок композита; 3 — стеклоиономерный цемент (или компомер, композит химического отверждения); 4 — прозрачный оттенок композита (инцизиальный оттенок режущего края)

1-композитни опак ранги . 2- композитни эмаль ранги. 3- шишаиономер (компомер, кимёвий котувчи композит.) 4-композитни тиник ранги (кесув кирраси учун).

Агар кариес ковак унча катта булмаса , ва апроксимал юзада жойлашсаю ва экватор сакланган булса , бу холда «тоннель» усулида чархлаш ва пломбалаш бажарилади.



Вариант методики
“тоннельного препарирова-
ния” (заштриховано) по
С.В.Радлинскому (1999)




Схема методики "латерального тоннеля"

Чайнов юзадан кариес кавак томонига «тоннель» хосил килинади. Ундан сунг матрица ва пона куйилади, ва «тоннель» композит билан тулдирилади.

II синф кариес ковакни чархлаб, пломбалаш бир неча усулда амалга оширилади:

- 1) «очик сендвич» усулида милк олди девори токи экваторгача кимёвий котувчи композит (ёки шишаиномер , компомер) билан пломбалади, колган кисми фотополимер билан тикланади.

II синф буйича кариес ковакни пломбалашда контакт нукта хосил килинади.

- 2) «ёпик сендвич» усулида шишаиномер таглик сифатида кулланилади ,токи эмаль-дентин чегарасигача, унинг устидан композит пломба ашъёси куйилади.

II синф кариес ковакни пломбалашда албатта матрица кулланилиши керак. Матрица куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- босимни кутариши керак;
- пулат матрицани калинлиги 0,015 дюймдан ошмаслиги керак;
- тишга куйилгандан сунг коник шаклида булиши керак.

Матрицани фиксациялаш максатида махсус поналар кулланилади. Бу поналар пластмассали ёки ёгочли булиши мумкин. Ёгочли пона намлаб куйилади, реставрациядан сунг матрица ва пона олинади.

6. III- IV синф кариес ковакни чархлаш ва пломбалаш боскичлари.

- 1.Тиш юзасини карашдан тозалаш
- 2.Тиш рангини танлаш

3.Огриксизлантириш

4.Чархлаш

5.Матрица ёки ретракцион ип куйиш

6.Тагликни (даволовчи, ажратувчи) куйиш

7.Тишни тиклаш

8.Кислота (кондиционер) билан ишлов килиш, уни ювиш, куриштиш.

9.Сулақдан ажратиш

10.Праймер суртиш (курсатмага биноан)

11.Адгезив суртиш

12.Композит пломба ашёсини каватма-кават куйиш

13.Матрицани еки ипни олиш

14.Тишни кесув киррасини ва шаклини коррекция килиш

15.Реставрацион юзани пардозлаш

16.Махсус абразив паста, штрипслар билан реставрацион юзани текислаш

17.Якуний нурлантириш.

III ва IV синф кариес ковакни пломбалашда фронтал тишларни эстетик тиклаш билан бирга контакт нукталарини ҳосил килиш керак. Тишни табиий рангини чиқариш мақсадида опак рангидан фойдаланиш керак.

1) опак ранги

2) эмаль ранги

3) композитни тиник ранги (кесув кирра ранги)

Каватма-кават куйилган композит порциялари Эмаль вестибуляр юзада сақланган бўлса, пломба ашёси эмаль орқали нурланади. Эмальни ранги кесув киррасида, буйин ва тож қисмларида турлича бўлади.

IV синф ковак эстетик тикланишда бурчаглар юмалоқлашади, ҳамда остида дентини йук «осилиб қолган» эмаль кирралири олиб ташланади. Эмаль кирраларида 45 с даражали фальц яратилиши лозим.

7. V синф кариес ковакни пломбалаш боскичлари.

- 1.Тишни устини карашдан тозалаш
- 2.Тишни рангини тиклаш
- 3.Огриксизлантириш
- 4.Чархлаш
- 5.Милк киргогини коррекция килиш (курсатмага биноан)
- 6.Ретракцион ип киритиш
- 7.Таглик (даволовчи, ажратувчи,) куйиш
- 8.Кислота (кондиционер) билан ишлов килиш, уни ювиш, куриштиш.
- 9.Сулакдан ажратиш
- 10.Праймер суртиш
- 11.Адгезив суртиш
- 12.Композитни куриштиш ва нурлантириш
- 13.Пардозлаш
- 14.Текислаш
- 15.Якуний нурлантириш

А) кариес кавагини чархлаш жараёнида

Б) шакиллантирилган кариес кавак

V синф кариес кавакни пломбалашда шишаиономерлар , компомер, композит пломба ашёлари (микрофил, гибрид, окувчан композит ашёлар) кулланилади. Чукур кариес ковак буладиган ҳолатларда (уткир кечувчи кариесда), фтор таркибли компомерлар, композитни опак ранглари яхши натижа беради.

V синф кариес кавакни чархлаш ва пломбалашда пластмассали ёки ёғочли поналардан фойдаланиш мумкин. Агар пона билан милк киргоги тишдан ажратилмаса куйилган пломба сифатсиз булади, чунки сулак ва кон пломбага салбий таъсир курсатади.

8. Хато ва асоратлар.

Композит пломба ашёлари билан ишлаш жараёнида қуйидаги хато ва асоратлар кузатилади:

1)кариес ковакка яхши ишлов бермаслик иккиламчи кариесни ривожланишига сабаб бўлади.

2)кариес ковакни эмал киргоклари синиб кетиши ушбу киргокларни етарлича финирламаслик ва композит ашёни 1ммдан юпқарок қилиб қуйишдан келиб чиқади.Эмаль киргокни кирралари 45с олмоз финирлар ёрдамида тезлиги (10минг айл\1дак, сув билан совутиб) бажарилади.

3)тиш бушлигини очиб қуйиш асорати тишни топографиясини яхши билмасликдан келиб чиқади. Купрок уткир чуқур кариесда некроектомия пайтида тиш бушлигини очиб қуйиш мумкин.

4)даволовчи паста ва ажратувчи тагликни нотугри танлашда композит пломба ашёе сифатсиз қуйилади. Таглик сифатида Са-сакловчи препаратлар қулланилади, устидан химояловчи локлар қуйилади. Ажратувчи таглик сифатида шишаиономер ва компомерлар тавсия қилинади. Худди шу мақсадда 4-5 авлодга мансуб булган адгезив ва бондинг тизимлалари қулланилади.

5)уткир чуқур кариесни даволашда эйгенол паста қулланилса композит ашёсини кимёвий ва физикавий хусусиятлари бузилади.

6)узок вақт чархлаганда тиш кизиб кетади,эмальда ёриklar пайдо бўлади.

7)кариес ковакка спирт ва эфир билан ишлов берганда, кариес ковак хаддан ташқари қурийди ва дентин суюклиги қуп ажралиши бондинг тизимини бузилишига олиб келади.

8)агар эмальга 37% ортофосфор кислотаси суртилганида эмаль нам бўлса, композит ашёсини эмальга булган микромеханик бирикishi пасаяди, демак кондиционер факат дастлаб эмаль юзаси қуритилгандан сунг суртиш лозим.

9)кондиционер (38% ортофосфор кислота) 10-15 сек давомида эмаль ва дентиндан ювилиши керак, чунки тоза ювилмаган кислота пульпани зарарлайди ва пульпитни ривожланишига сабаб бўлади.

10)композит пломба ашёси холодильникда сакланиши керак. Қуллаш вақти утиб кетган композитлар яхши котмайди.

11)композит пломба ашёсига якуний ишлов яхши берилмаганда унинг устки қисмига турли пигмент ва бўёklar сингиб,унинг рангини бўяб қуяди.

12) фронтал тишни турли жойларини ранги хар хил булгани учун пломба ва тиш ранги бир бирига тугри келмаслиги мумкин.

Реставрация бажарилгандан сунг композит пломба пардозланиши керак. Пардозлаш учун махсус олмозли борлар (кизил ва сарик чизикли), дисклар тупламидан, штрипсалардан фойдаланилади. Полировка резинали калпокчалар, полировка учун мулжалланган пасталар ва махсус карбидли борлар билан амалга оширилади. Пардозлашдан сунг композитли реставрацияни барча томонларидан якуний нурланишни утказиш лозим. Сунг реставрация юзасини махсус герметик –силант билан коплаш махсадга мувофикдир.

Хулоса. Замонавий стоматологияда тишлар реставрацияси кенг куланилади. Шу билан бирга тишларни нафакат анатомик ва фуқционал, балки эстетик жихатлари тикланади. Айниқса реставрацияни турли синф кариес ковакларида бажариш назарий билим ва амалий куникмаларни талаб килади.

Назорат саволлари.

1. Тишлар реставрацияси деганда нима тушинилади.
2. Галоген лампани куллаш махсади.
3. Галоген лампа турлари.
4. Тишларни реставрация килиш коидалари.
5. Композит пломба ашъёсини ранги кандай танланади.
6. Кариес ковагини реставрацияга тайёрлаш боскичи.
7. I-синф кариес ковагини реставрацияси кандай бажарилади.
8. II-синф кариес ковагини реставрацияси кандай бажарилади.
9. III-синф кариес ковагини реставрацияси кандай бажарилади.
10. IV-синф кариес ковагини реставрацияси кандай бажарилади.
11. V-синф кариес ковагини реставрацияси кандай бажарилади.
12. Беморни реставрацияга тайёрлаш боскичи.
13. Тишни реставрацияга тайёрлаш боскичи.
14. Матрица куйиш махсади.
15. Поналар куйиш махсади.
16. Композит пломба ашъёсини куйиш учун курсатмалар.
17. Реставрация сифатсиз чикишига нималар таъсир курсатади.

Адабиётлар

Асосий адабиётлар:

1. Боровский Е.В и др. «Терапевтическая стоматология». -М.:2002. – 736с.
2. Луцкая И.К. «Практическая стоматология» Минск : Белорусская наука, 2001. 359 с.
3. Е.А Магид, Н.А.Мухин «Фантомный курс терапевтической стоматологии. Атлас». –М., 1987.-304 с.
4. Komilov N. P va boshqalar. ” Terapevtik stomatologiya propedevtikasi” - T.: Yangi asr avlodi, 2006.- 230 b
5. Николаев А.И, Цепов Л.М. «Практическая терапевтическая стоматология» М.: МЕДпресс информ, 2004. 548 с.

Қўшимча адабиётлар:

6. Дмитриева Л.Н. и др. «Терапевтическая стоматология». –М., 2004г.
7. Скорикова Л.А.и др. «Пропедевтика стоматологических заболеваний.»Ростов н/д..2002 г.
8. Луцкая «Руководство по стоматологии» Ростов-н/Д.: Феникс, 2002.-544с.
9. Максимовский Ю.М., Максимовская Л.Н., Орехова Л.Ю. Терапевтическая стоматология. Москва, Медицина.-2002.
10. Макеева И.М. Реставрация зубов и современные пломбировочные материалы. Ж. Стоматология, том 75, №4, 1996, Москва, С. 4-8.
11. Борисенко А.В., Неспрядко В.П. Композиционные пломбировочные и облицовочные материалы в стоматологии, Киев, 2001.
12. David H. Pashley. Развитие дентинного бондинга: от «без протравливания» через «общее протравливание» к «самопротравливанию». Ж. Новое в стоматологии, 2004, №1, С. 2-9.
13. www.medinfo.homeml.org/E-mail:medinfo.@mail.admiral.ru
www.doctor.ru

www. e-stomatology.ru

Маъруза матни кайта куриб чикилди 28.08.08
Терапевтик стоматология кафедраси мажлисида
Баен №2

Маъруза матни кайта куриб чикилди 26.05.09
Терапевтик стоматология кафедраси мажлисида
Баен №20